



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Адамбаев Камолбек Айбекович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратура

ТИНГЛОВЧИСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10630195>

ARTICLE INFO

Received: 01st February 2024
Accepted: 05th February 2024
Published: 07th February 2024

KEYWORDS

хуқуқбузарликлар
профилактикаси,
индикатор,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси
фаолияти баҳолаш
мезонлари.

ABSTRACT

Мақолада хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти баҳолаш индикаторларнинг такомиллаштириш бўйича амалдаги қонунчилик ва хуқуқшунос олимлар фикр-мулоҳазалари ўрганилиб муаллиф томонидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳар қандай ривожланиш бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Бошқарув эса турли даражада намоён бўлиши мумкин. Масалан, бирор бир йўналишни ва шахсни барқарор ривожланиши ўзини ўзи ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам психологик, бошқариш потенциаллини ёки имкониятини ошира боришни талаб этади. Зеро, ушбу имкониятлардан кўрсаткичларнинг камая бориши ёки сустлашуви албатта, унинг барқарор ривожланишига таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолат хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти баҳолаш ривожига ҳам тегишлидир. Чунки ушбу имконият кўрсаткичлари ўзаро боғланган ва узвий алоқадорликдадир. Кўрсаткичлар бўйича баҳолаш бизларга нафақат маълумотларни олиш, балки уни бошқариш имкониятини яратади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 115-моддасида “ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича чоралар кўради”¹ демак, хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти баҳолаш бўйича ҳозирги кунда бирқанча ислохотлар амалга оширилиб, ҳуқуқ тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга янада эришиш учун асосий йўналишимиз белгилаб берилганилигини кўришимиз мумкин.

¹ <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 й

Индиктор» атамаси лотин тилида «indico», яъни кўрсаткич деган маънони англатади. У ҳолат, вазият, шароит ва жараёнларни инсон идрок этадиган қулай шаклда акс эттирувчи қурилмалар орқа-ли баҳолаш учун аниқланадиган кўрсаткичдир. Индикаторлар визуал (кўриш), акустик (эшитиш), тактил (сезиш, искаш) каби хиллардан иборат.²

Индикатор нима учун керак:

1. Индикаторлар кўп йиллик катта ҳажмдаги маълумотларни соддалаштириш ва баҳолаш орқали қабул қилинган қарорларни асослашда фойдаланилади.
2. Индикатор ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқиш учун ўзгаришларни таҳлил қилишга ёрдам беради.
3. Индикаторни қўллаш ички ишлар органлари тамонидан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора-тадбирларда юзага келадиган камчиликларни аниқлашга ёрдам беради.
4. Индикатор ички ишлар органлари соҳавий хизмат ҳодимларига маълумотлардан унумли фойдалана олиш имкониятини яратиб беради.

Индикаторнинг асосий вазифаси – ахборот беришдан иборат. Ички ишлар органли соҳавий хизмат ҳодимларига ҳамда юқори турувчи раҳбарларга маълумотларни етказиб беришда оддийлик ва соддалик керак бўлади. Индикаторлар мураккаб маълумотларни соддалаштиради. Индикатор маълумотларни мониторинг қилиш жараёнида тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш натижасида шаклланган махсулот ҳисобланади. Қайта ишланмаган, таҳлил қилинмаган статистик маълумотлар индикатор вазифасини бажара олмайди.

Индикаторларни ишлаб чиқиш ва самарали танлаб олишнинг ўзига хослиги қуйидагилар киради:

- индикаторларни ишлаб чиқиш ва танлаб олишда манфаатдор бўлган барча томонлар, хусусан, жамоатчилик ҳам иштирок этиши лозим;
- индикаторларни ишлаб чиқиш ва танлаб олиш жараёни аниқ мақсадни кўзлаган бўлиб, ошкора, очиқ ва шаффоф бўлиши керак;
- индикаторларни ишлаб чиқиш ва танлаб олаётган ҳодим ва раҳбар нимани назорат қилиши ва нимани баҳолашини аниқ тасаввур қилиши лозим.

Индикаторлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини баҳолашда ишчи гуруҳ раҳбари томонидан қарор қабул қилиш ва режалаштириш бўйича муҳим восита сифатида коммуникатив вазифани ҳам бажаради. Яъни индикаторлар ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи салбий таҳдидларни аниқлайди ва баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган «Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низом талабларининг амалиётга татбиқ

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/indikator-uz/>

этилиш натижалари-нинг кўрсатишича, унинг 2 ва 3-иловаларида келтирилган бириктирилган ҳудудда фаолият олиб боровчи профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан бир марталик пул мукофоти ёки пул ушланиши тарзидаги таъсир чораларини қўллаш мезонлари ҳам таъсирчан эмас.

Чунки фикримизча, мазкур мезонлар қуйидагилар билан боғлиқ муаммоли ҳолатларнинг келиб чиқишига асос яратади:

биринчидан, азалдан ички ишлар органларининг фаолияти аниқланган ва олди олинган жиноятлар бўйича баҳоланиб келинган бўлса-да, қуйида келтириладиган мезонда мазкур қоидага риоя этилмаганлиги яққол кўзга ташланади. Жумладан, баҳолаш мезонларида чорак давомида бириктирилган ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹ (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш), 244² (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш), 244³ (Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш)-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этган шахсларнинг профилактика инспектори томонидан аниқланиши ҳам унинг лавозим маошидан пул ушлаб қолинишига асос бўлиши белгиланган. Мазкур жиноятларнинг аксарият ҳолларда хуфиёна тарзда содир этилиши, ички ишлар органлари ходимлари зиммасига уларни ўз вақтида аниқлаш мажбуриятининг юкланганлигини инобатга олганда, ўзининг функционал вазифасини бажарган ходимни бу тарзда жазолаш мантиққа ҳам, бошқарув методикасига ҳам зиддир.

иккинчидан, мамлакатимизда шундай маъмурий ҳудуд (маҳалла)лар мавжудки, уларда яшовчи аҳоли орасида ижобий ижтимоий қадриятлар тизими шаклланганлиги, соғлом муносабатлар тизими йўлга қўйилганлиги жиноятлар содир этилмаслигини кафолатлайди. Бу эса ички ишлар органлари профилактика инспекторлари фаолиятига ҳам ортиқча зарурат қолдирмайди.

Ёки аксинча шундай ҳудудлар мавжудки, уларда криминоген вазият оғир, ички миграция кучли, кўнгилочар масканлар кўп бўлиб, мазкур ҳолат тез-тез жиноят содир этилишига имкон беради. Одатда, бу каби ҳудудларда бир нечта профилактика инспекторлари бириктирилса ёки профилактика инспектори зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарса ҳам жиноят содир этилаверади;

учинчидан, профилактик тадбирларни самарали ташкил этганлиги учун «ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада жиноятчилик кўрсаткичлари камайишига эришган, жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш босқичида аниқлаган, бироқ баҳолаш мезонида келтирилган жиноятлардан бирининг содир этилишига йўл қўйган профилактика инспекторини рағбатлантириш керакми ёки жазолаш?» мазмундаги саволнинг мавжудлиги баҳсли вазиятни юзага келтиради;

тўртинчидан, одам савдоси жиноятларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили ушбу турдаги жиноятларни содир этган ва ундан жабрланган шахсларнинг аксариятини ёшлар (18–30 ёш) ташкил этишини кўрсатиб, уларнинг уюшмаган қисми билан олиб бориладиган профилактик ишлар самарадорлигини ошириш заруратини юзага келтиради. Бу эса профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашда «ёшларни,

айниқса, уюлмаган ёшларни иш билан таъминлаш, фойдали меҳнат (тайинли иш) билан шуғулланишга йўналтириш, таълим муассасаларидаги давоматни яхшилашга эришиш, муайян касбни эгаллашларига кўмаклашишда юқори натижаларга эга эришиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг аҳволини фаолиятни баҳолаш мезони сифатида эътироф этиш заруратини юзага келтиради.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган муаммоли ҳолатларнинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган «Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низом ҳамда унинг 2 ва 3-иловаларида келтирилган бириктирилган ҳудудда фаолиятини амалга оширувчи профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ёки пул мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллаш мезонларини қайта кўриб чиқиш, уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади.

Шу боис назаримизда, ҳудудларнинг криминоген вазияти (оғир ёки енгиллиги)ни, профилактика инспекторларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарган ёки бажармаганлигини инобатга олмасдан уларни мукофотлаш ёки жазолашни улар фаолиятини баҳолашнинг адолатли мезони, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Бу борадаги масала юзасидан М.З. Зиёдуллаев ўз тадқиқотларида “таянч пунктлар субъектлари хизматини баҳолашда хизмат ҳудудида ишни ташкил этишнинг қийинлик даражасини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади” деган фикрни баён этади. Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов ва А. Курбоновлар эса ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда тайёргарлик кўрилатган жиноятларнинг олдини олиш бўйича қилинган ишлар ва ундаги иштирок даражасининг ҳисобга олинишини ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар.

Қолаверса, “Ички ишлар органлари таянч пунктлари тўғрисидаги” низомда профилактика инспекторларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида: таянч пунктлари фаолияти, унинг ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишдаги ўрни тўғрисида ижобий жамоатчилик фикри шаклланганлиги; қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишининг таъминланиши; ҳуқуқбузарлик ва уни содир этган шахсларнинг ўз вақтида аниқланиши, жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг мукамаллиги ва таъсирчанлиги; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши; ички ишлар органлари ҳисобида турган шахслар билан олиб борилган профилактик ишларнинг самарадорлиги; ҳуқуқбузарликлар профилактикасида давлат ва жамоат ташкилотлари, аҳоли билан ҳамкорлик даражаси назарда тутилган. Бу эса, профилактика инспекторларининг юқори даражадаги касбий кўникма ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлишини, фидокорона меҳнати, кўрсатган мардлиги ҳамда жасорати учун ўрнатилган тартибда рағбатлантиришнинг объектив ва таъсирчан механизмларини жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони ижросини юзасидан Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари профилактика хизмати ва пробация инспекторлари, патруль-пост ҳамда йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тугрисида”ги 2022 йил 20 январидagi 15-сонли низом билан ҳар чоракда барча ички ишлар органлари профилактика хизмати ва пробация инспекторлари, патруль-пост ҳамда йўл-патруль хизмати ходимларининг иш самарадорлиги индикаторлари асосида автоматлаштирилган “E-baholash” рейтинг тизими орқали баҳолаб бориш йўлга қўйилган.

Ички ишлар вазирининг 2022 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини рейтинг баҳолаш тизими асосида моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида” 111-сонли низоммида иккита илова ишлаб чиқилган, биринчи иловада шаҳар профилактика (катта) инспекторлари модули бўйича рейтинг баҳолаш тизими белгиланган бўлса, иккинчи иловада қишлоқ профилактика (катта) инспекторлари модули бўйича рейтинг баҳолаш тизими белгиланган. Ушбу низомда билан профилактика инспекторларини фаолиятини баҳолашда асосан профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишдаги сай ҳаракатларини инобатга олиб кўрсаткичларга киритиш (маъмурий ҳудудида камераларни ўрнатиш, муқаддам судланган шахсларни иш билан таъминланганлиги ва ҳқ) мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда мазкур вазифани самарали бажарилишини таъминлаш учун барча давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарори ва. Ички ишлар вазирининг 2022 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини рейтинг баҳолаш тизими асосида моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида” 111-сонли низом ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/indikator-uz/>